



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2006 йил 28 июль, № 145 (4044)

Жума

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

Самарқанд шахрининг 2750 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида

Қадимий ва бой тарихи, бетакрор маданияти, буюк сиймолари билан жаҳон цивилизацияси тараққиётига улкан ҳисса қўшган, миллий давлатчилигимиз ва маънавиятимизнинг кўхна бешикларидан бири бўлган, ноёб тарихий-меъморий обидалар, муқаддас қадам-жолари ўз бағрида асраб-авайлаб келаётган Самарқанд шахрининг 2750 йиллик қўлуғ санасини 2007 йилда Мустақиллик умумхалқ байрами билан боғлиқ тантаналар кунларида кенг миқёсда нишонлаш ҳамда юртдошларимиз, хусусан, ёш авлодни миллий ғурур ва ифтихор, Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш мақсадида:

1. ЮНЕСКО Бош конференциясининг 2005 йил 20 октябрдаги 33-сессиясида Самарқанд шахрининг 2750 йиллигини нишонлаш ва унда ЮНЕСКОнинг иштирок этиши ҳақидаги қарори маълумот учун қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика "Маънавият ва маърифат" маркази, Самарқанд вилояти ҳокимлиги ҳамда кенг жамоатчиликнинг Самарқанд шахрининг 2750 йиллигини нишонлаш ҳақидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Самарқанд шахрининг 2750 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика ташкилий қўмитаси таркиби, тадбирлар дастури 1- ва 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Самарқанд вилояти ҳокимлиги, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2006-

2007 йилларда Самарқанд шахридаги тарихий обидаларни таъмирлаш, ижтимоий ҳамда коммунал соҳасида хизмат кўрсатишни ривожлантириш ва ободонлаштиришга доир тадбирлар дастурини 3-иловага мувофиқ амалга оширсин.

4. Ўзбекистон Фанлар академияси, Самарқанд давлат университети, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Самарқанд вилояти ҳокимлиги тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда Самарқанд шахрида 2007 йил май ойида «Самарқанд шахрининг умумбаъшарий маданий тараққиёт тарихида тугган ўрни» мавзусида халқаро илмий конференция ташкил этиш, мазкур анжуман ишига мамлакатимиз ва чет эллардаги таниқли олим ва мутахассисларни жалб этган ҳолда, уни ҳар томонлама юксак савияда ўтказиш, шу мавзу билан боғлиқ бадиий-тарихий кўргазмалар уюштириш, конференция материалларини чоп этиш ва кенг ёритиш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқсин ва амалга оширсин.

Белгилаб қўйилсинки, халқаро илмий конференцияни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар республика бюджетидан ҳисобидан қоплансин.

5. Самарқанд шахрининг 2750 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика ташкилий қўмитаси йилнинг ҳар чорагида ўтказиладиган мажлисларида тадбирлар дастурининг ижросини таъминлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ахборот бериб борсин.

6. Самарқанд шахрининг 2750 йиллигини нишонлашга доир тадбирлар дастурини амалга оширишда ҳомий сифатида қатнашиш истагини билдирган нодавлат ва жамоат ташкилотлари, хорижий ва халқаро тузилмаларнинг ташаббуслари қўллаб-қувватлансин.

7. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Самарқанд шахрининг 2750 йиллигига бағишланган юбилей тантаналарига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

8. Белгилаб қўйилсинки, Самарқанд шахрининг 2750 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тадбирлари ҳамда 2006-2007 йилларда тарихий обидаларни таъмирлаш ишлари билан боғлиқ барча харажатлар ушбу тадбирларни бажаришга маъсул вазирликлар, ҳокимликлар ва идораларнинг 2006 йилда шу мақсадлар учун кўзда тутилган, шунингдек, 2007 йилдаги бюджет параметрларида режалаштирилган маблағлари доирасида ва ҳомийлар маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2006 йил 25 июль.

ЁЗНИНГ ҲАР КУНИ ҒАНИМАТ

Элликқалъалик бир ғуруҳ тажрибали деҳқонлар ва малакали мутахассислар Амударё туманидаги ҳамкасблари билан ўзаро тажриба алмашди.

Амударёлик деҳқонлар бу йил 15 миң 800 гектар майдонда ғўза парваришляпти. Улар давлатга 32 миң 700 тонна қimmatбахомашёв ётказиб бериш ниятида. Ҳозир тумандаги

беш юздан зиёд фермер ҳўжалигида ғўза парвариши кизгин паллага кирди.

Ўзаро тажриба алмашув якунларига бағишланган йўналишда пахтачиликда кечиктириб бўлмайдиган вазибалар мувоқам айтилди. Бу борада эришилаётган ютуқлар билан бирга, камчиликлар ҳам кўрсатиб ўтилди. Жумладан, "Тўлқин", "Қипчоқ", "Зарбдор"

фермер ҳўжаликлари бирлашмаларида агрегатлардан унумли фойдаланилмаётгани, чилпиш ишлари кечикаётгани, далаларни ёввойи ўт босгани танқид қилинди.

Тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси М.Ерниязов иштирок этди.

А. ОРИҚҒОЕВ,
ЎЗА мухбири.

ЭЛЛАРНИ БОҒЛОВЧИ КЎПРИК



Шундай касб эгалари борки, улар байрам, дам олиш кунлари, ҳатто кеча-ю кундуз эл хизматида бўлишади. Ана шундай шарафли ва масъулиятли соҳалар қаторида почта ва телекоммуникация жабҳаси ходимлари ҳам бор.

"Ўзбекистон почтаси" очиқ турдаги акциядорлик жамиятининг "Халқаро почтамт" филиалини маълум даражада Ўзбекистонни дунёнинг барча сарҳадлари билан боғлаб турувчи ришта, деб айтсак, хато қилмаган бўламиз. Халқимизда хат — ярим дийдор, деган нақл бор. Шу маънода, ушбу маскан тамғаси билан узоқ-узоқларга йўлланаётган номлар, ноз-неъматлар тўна қўтилар ёки аксинча, турли мамлакатлардан юртдошларимиз номига келаётган совға-саломлар, хат ва хабарлар ҳам "Халқаро почтамт" хизмати ходимларининг савб-ҳаракати туфайли ўз эгаларига етиб боради.

(Давоми 2-бетда).



«Италияда менга ҳавас қилишди»

Бир савол

Мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш ҳар бир фуқаронинг бурчи эканлиги барчага маълум. Сиз ана шу бурчни адо этиш учун нималар қилдингиз?



Гўзал ТАГИЕВА, Ўзбекистон Давлат консерваторияси магистранти, 23 ёш:

— Мамлакат мустақиллигини мустаҳкамлаш бурчини мен шундай тушунам: ҳар бир фуқаро ўз ишини кўнгилдагидек бажарса, бу йўлда олға қадам ташлаган бўлади. Ўз олдига қўйган мақсадларини амалга ошириш мобайнида у мустақиллигимизни мустаҳкамлашга ҳисса қўшиб бораверади.

Мен ҳам ўз бурчимни оқлаш учун астойдил изланаёпман. Озми-кўпми, муваффақиятларга эришаёпман. Ва буларнинг барчасида мустақиллик шарофатини ҳис қилиб тураман. Чунки истиклолнинг илк йилида мактабга бордим. Пойтахтимиздаги 12-музыка мактабида, кейинчалик Успенский номидаги республика махсус музыка лицейида таълим олдим. 2001 йили ёшлар ўртасида ўтказилган республика қўриқ-танловининг совриндори бўлдим. Шундан сўнг

Ўзимга ишончим ортди. Меҳнат ҳеч қачон ерда қолмаслигини, интилан одамни юртимизда ҳамisha қўллаб-қувватлашларини англаб етдим.

Ўзбекистон Давлат консерваторияси талабаси бўлишим менга янада куч бағишлади. 2002 йили Италиянинг Агрополи шаҳрида бўлиб ўтган ёш пианиночилар танловида иштирок этдим. Ушанда Ватан тўғрисида қанчалар тотли ва фахрли эканлигини биринчи марта ҳис қилганман. Юртимиз ҳақида қизиқиб саволлар бераётган, меннинг шундай буюк сиймолар авлоди эканлигимга ҳавас қилган чет эллик ёшларни кўриб қалбим ифтихорга тўлган эди. Эсласан, ҳозир ҳам қувониб кетаман... Яна хорижликлар, Ўзбекистонда қобилиятли ёшлар бунча кўп, дея ҳайрон қолишди. Мен уларга Президентимизнинг ёшларни яхши кўришини, истеъоддорларни юзага чиқариш учун гамжўрлик қилишини гапириб бераман.

Мен ҳам ана шу эътибор туфайли кўплаб ютуқларга эришдим. Булардан энг муҳими Санъат ва маданият йўналиши бўйича Президент стипендиясига сазовор бўлганимдир.

Бу мукофот менга эришган муваффақиятларим учун эмас, балки қилишим лозим бўлган ишлар учун берилди, деб ҳисоблайман. Ҳозир шу мақсад йўлида изланаёпман. Яқинда Москвадаги "Янги номлар" ижодий мактабида малака ошириб қайтдим. Жаҳон мусиқасини ўрганаёпман. Шу билан бирга, чет тилларини ўрганишга жуда қизиқаман. Рус ва инглиз тилларини мукамал биламан. Энди немис ва грек тилларини ўрганишга киришдим. Айни пайтда мусиқанинг ўзи ҳамма тушунадиган тилдир. Мен ана шу "тил"да бутун дунёга юртимиз ҳақида сўзлашни, унинг жамоли ва келажагини ўз мусиқаларимда ифода этишни орзу қиламан.

"Халқ сўзи" мухбири
Анвар САМАДОВ ёзиб олди.

Яқинда матбуотда Вазирлар Маҳкамасининг «Нотариал ишларни бажарганлик учун давлат божи ставкалари тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори эълон қилинган эди. Мазкур қарорнинг асосий аҳамияти ниманда, бу борада солиқ ва нотариал хизмати ходимлари қандай ишларни амалга оширишляпти?

Тадбиркорга яна
бир имтиёз

Самарқанд шаҳридаги «Ёшлар маркази»да ўтказилган семинарда шулар ҳақида сўз юритилди. Унда вилоят, туман, шаҳар давлат солиқ идоралари, вилоят адлия бошқармаси раҳбарлари ва ходимлари, нотариал фаолият билан шўғулланувчи юридик шахслар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

Семинардаги қизгин савол-жавоблар жараёни давлат божи ундириш борасида ҳали кўплаб муаммолар мавжудлигини кўрсатди. Айнан ана шундай муаммолар ечимини топиш, янги қарор ижросини тўлақонли амалга ошириш учун солиқ ва адлия ходимлари, нотариал фаолият билан шўғулланувчи юридик шахслар ҳамкорлигини кучайтириш лозим деган хулосага келинди.

Абдурасул САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Сўнги соатда

ОРЗУБЕКНИНГ ОЛТИН МЕДАЛИ

Германияда бокс бўйича ёшлар ўртасида ўтказилган Бранденбург кубоги халқаро турнирида ўзбекистонлик Орзубек Шоимов ўз вази тоифасида олтин медал соҳиби бўлди.

Финалда имкониятни бой берган Баҳром Хидиров (48 килограмм) ва Аҳром Муралимов (91 килограмм)лар кумуш медаллар билан тақдирланишди. Бронза медали Санжар Холиқовга насиб этди.

Д. ҚАМАРИТДИНОВА,
ЎЗДЖУ талабаси.

Япония ҳукуматининг гранти

Япония ҳукумати бир неча йилдан буён Ўзбекистонда таълим тизимини ривожлантириш, тиббий хизмат кўрсатиш даражасини юксалтириш бўйича Беғараз ёрдам дастурини амалга ошириб келмоқда.

Пойтахтимиздаги ўзбек-япон инсон заҳираларини ривожлантириш марказида ушбу дастур бўйича яна 3 та грант-шартнома имзоланди.

Унга кўра, Сурхандарё вилоятидаги биринчи касалхона 85625 АҚШ долларлик, шу вилоятнинг Узун туманидаги марказий касалхона 63800 АҚШ

долларлик, Тошкент шаҳар 1-Перинатал маркази 76280 АҚШ долларлик грантга эга бўлди. Грантлар касалхоналарни янги, замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлашга ишлатилади.

Юлдуз РИЗАЕВА,
«Халқ сўзи» мухбири.

АБДУЛ ҲАМ ШОҲСУЛАДА

Бирлашган Араб Амирликларида эркин кураш бўйича ёшлар ўртасида бўлиб ўтган Осиё чемпионатида полвонларимиз совринли ўринларни эгалладилар.

Абдул Аммаев 84 килограмм вази тоифасида Осиё чемпионлигини қўлга киритган бўлса, Рустам Хўталиев ва Артём Присяжничлар бронза медали билан кифояланишди.


З. ЖОНИБЕКОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

КОСОН БОЗОРИ

ҳамиша мўл-кўлчилик ва арзончилиги билан ажралиб туради

Бугунги кунда ҳам бу анъана давом этапти. Косон бозорлари харидорлар билан гавжум. Уларнинг орасида кўшни туманлардан келганлар ҳам кўп. Илгари «Дехқон бозори» билан «Буюм бозори» ёнма-ён жойлашган эди. Савдо авж олиб, сотувчи ҳам, олувчи ҳам кўпайганидан жой торлик қилиб қолди. Туман ҳокимлиги «Буюм бозори»ни шаҳар четидида баҳаво майдонга кўчиришга қарор қилди. Тадбиркор Жалол Дониёров бошлиқ уч ишбилармон «Косонтоғ — қурилиш ва буюм бозори» масъулияти чекланган жамиятини таъсис этди. Туман ҳокимлиги жамиятнинг назорат пакетини қўлга олди. Шундай қилиб, Косонда яна

бир янги бозор пайдо бўлди. — Янги бозорда сотувчи ҳам, харидорга ҳам қўлай шароит яратилган, — дейди биз билан суҳбатда Сора опа Раҳмонова. — «Буюм бозори»да савдо билан шуғулланаётганлигимга қарийб 20 йил бўлди. Эрон, Ҳиндистон, Қозғистон, Қирғизистондан мол олиб келганман. Тадбиркорликка кенг имкониятлар берилгангани айтиш мумкин. Бунинг устига, улгуржи савдо билан шуғулланувчи йиррик савдогарлар пайдо бўлди. Улардан мол оламиз. Бозоримиз бой, харидорга хилма-хил молни таклиф қиламиз. Энг муҳими, улар



кўшни шаҳарлардагидан арзон. Биз шунга ўрганганмиз. Устига кўп қўймаймиз. Савдо юришиб, пул айланиб турса, фойда шундан келади.

Бозорнинг атрофида бир қатор савдо дўконлари қурилган. Уртада бир неча қатор айвон шаклидаги савдо расталари бўлиб, пештахтанинг ости қўлфланадиган темир сандиклардан иборат. Шуниси диққатга сазоворки, расталарнинг ораси кенглиги туфайли харидорлар бемалол савдо қилишади.

Зардўзлик буюмлари билан савдо қилаётган тадбиркор Мухаббат Холиқулова бозор ичида тикувчиликни ҳам йўлга қўйди. Шогирдларига зардўзлик ҳунари билан бир қаторда, савдо-сотиқ сирларини ҳам ўргатмоқда. У туман меҳнат биржаси билан ҳамкорликда «устоз-шогирд» усулидаги ўқув курсини ташкил қилган.

Муборақлик тадбиркор Асадулла Бобиниёзовни расталарни айланаётганда уч-

ратдик. Унга янги бозор жуда маъқул бўлибди: «Мен тадбиркорлик билан шуғулланганим учун ҳам бозорларни кўрганман. Бу бозор жуда қўлай жойлашбди. Қурилиши ҳам яхши, пухта ўйлаб амалга оширилган. Айниқса, буюмларнинг турига қараб, алоҳида-алоҳида қаторларга жойлаштирилганлиги яхши бўлибди. Харидорнинг вақти тежалди, молнинг сифати ва нархини солиштириб, яхшисини танлаш имкони туғилди.

Биз Косонда бозор ҳамиша обод бўлган, дедик. Уни обод қилган эса, бу ернинг одамлари. Улар қадим-қадимдан савдогарликка мойил бўлишган. Қашқадарё вилоятида савдо соҳасига раҳбарлик қилган кишилар асосан Косонда туғилиб ўсганлиги ҳам бежиз эмас. Марҳум Уктам Турсунов, ҳозир «Бозорсавдо» уюмисига раҳбарлик қилаётган Аҳадулла Муаллимовнинг вилоятда савдони ривожлан-

тиришга қўшган ҳиссасини ҳамма эътироф этади.

— Биз шахримизнинг савдо соҳасидаги анъаналарини давом эттиришга ҳаракат қилаймиз, — дейди «Косонтоғ — қурилиш ва буюм бозори» масъулияти чекланган жамияти раиси Жалол Дониёров. — Мақсадимиз битта: халққа халол, покиза хизмат қилиш. Бунинг учун имкониятларимиз етарли. Икки йилдан бери қурилиш материаллари бозорини ишлайтиб, анча тажриба тўпладик, маблаг йиғдик. Шу ҳисобдан қурилишни давом эттираяймиз, ободончилик қилаймиз. Бозорга келувчилар учун махсус автобус йўналишини очдик, кира ҳақини арзон қилиб қўйдик. Шунинг учун ҳам харидорлар кундан-кунга кўпайиб бораёпти.

— Сотувчилар ҳам кўпаяпти, — дейди суҳбатимизга қўшилиб, туман солиқ инспекцияси бозорлар фаолиятини назорат қилиш шўъбаси бошлиғи Давлат Авазов. — Эски бозорда савдо қилувчи 150 киши рўйхатдан ўтган эди. Бу ерда 300 киши рўйхатдан ўтди. Бу жараён давом этаёпти. Бозорда ҳам 472 та савдо ўрни бор. Ҳамма ўринлар эғли бўлгач, бюджетта тушум ҳам 2-3 баравар кўпаяпти.

Ҳа, «Косонтоғ — қурилиш ва буюм бозори» нафақат Косон туманида, балки бутун вилоятда ўз ўрнига эга бўлган савдо мажмуи айланмоқда. Аслида у вилоятда амалга оширилаётган кенг қўламли бунёдкорлик ишларининг бир қисmidир.

Б.НОРҚОБИЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

СУРАТЛАРДА: бозор фаолиятдан лавҳалар.
Ж.НОРҚОБИЛОВ
олган сураатлар.

«Ўзвиносаноат-холдинг» компанияси томонидан Наманганда «Фермер хўжаликлари ва қайта ишлаш корхоналарининг ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, мавсумда сифатли хомашё қабул қилиш ва вино маҳсулоти ишлаб чиқариш муаммолари» мавзuida минтақавий семинар ташкил этилди.

Хомашё сифати маҳсулот харидоргирлигини оширади

Унда Фарғона водийси вилоятларидаги ихтисослашган агрофирмалар, қайта ишлаш корхоналари раҳбарлари, фермер хўжаликлари етакчилари иштирок этди.

Тадбирда Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан мева-сабзавот ва узумчиликка алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидлаб ўтилди.

«Ўзвасабзавотузумсаноат-холдинг» компанияси «Ўзвиносаноат-холдинг» компаниясига айлантирилиб, соҳани ҳар томонлама ривожлантириш, хусусан, унинг экспорт салоҳиятини юксалтириш вазифалари босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Анжуманда ушбу соҳадаги иш тажрибалари ўрганилди. Тадбир иштирокчилари «Наманганвино» ҳиссадорлик жамияти, Уйчи туманидаги қайта ишлаш корхонаси фаолияти билан танишдилар, фермер хўжаликлари етакчиларининг қайта ишловчилар билан ўзаро ҳамкорлик борасидаги фикрларини тингладилар.

Семинарда республика миқёсида иқтисодиётда узумчиликнинг ўрни алоҳида қайд этилиб, соҳани ривожлантириш орқали нафақат қайта иш-



лаш корхоналарининг қувватларидан самарали фойдаланиш, балки қурилган ва ҳўл узумни ташқи бозорга чиқаришни кўпайтириш долзарб вазифа эканлиги алоҳида таъкидланди.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



Оромгоҳ зашти

Жазирама ёз фаслида сақин, сўлим оромгоҳларда мириқиб дам олишнинг гашти ўзгача. Шу сабабли таътил мавсумида болажонларимизни тоғ ёнбағирларида жойлашган тури соғломлаштириш оромгоҳларига юборамиз. Тоғлар бағрида жойлашган Тошкент трактор заводида қарашли «Белдерсой» болалар

дам олиш оромгоҳи фаолият кўрсата бошлаганига 40 йил тўлди. Бу ерда тури спорт мусобақалари, маданий тадбирлар, болажонлар учун концерт дастурлари уюштириб турилади.

— Серфайз кенгликлари, сўлим табияти, шароитининг қўлайлиги билан алоҳида ажралиб турадиган мазкур

дам олиш маскани илгари «Комарово» номи билан аталар эди, — дейди «Белдерсой» соғломлаштириш оромгоҳи директори Б.Ҳайитбоев. — Кейинги йилларда оромгоҳга ўзгача ҳусн ва янгилик кўриниш бахш этиш мақсадида таъмирлаш ишлари олиб борилди.

Юлдуз РИЗАЕВА.



Ширкат ва фермер хўжаликлари раҳбарлари диққатига!

«ЎЗАГРОМАШСЕРВИС»
УЮШМАСИ ТИЗИМИДАГИ
«АГРОТАЪМИНОТ-БС»
ОЧИК АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

Ўз омборидаги мавжуд Россиянинг Волгоград трактор заводида ишлаб чиқарилган ВТ-150 ДЕ ва Алтай трактор заводида ишлаб чиқарилган Т-4А.01 русумли занжирли ҳайдов тракторларини (омочи билан) таклиф қилади.



Тракторлар нархига 1 йил ёки 2000 мото/соат ишлаш мобайнида кафолатли таъмирлаш хизматлари қиради.


Маҳсулотлар сертификатланган.

Мурожаат учун манзил: «Агротаъминот-БС» ОАЖ. Тошкент ш., Ҳамза тумани, Жарқўрғон к., 43-уй. Тел.: 196-62-21. Факс: 194-51-44, 196-37-95.

ИПОТЕКА BANK



... шундай пайтлар бўладики,
кутилмаган харидлар
бизга қувонч
бахш этади



Ипотекабанк пластик карточкалари — бу сизнинг маҳсулотлар харидидаги янги имкониятларингиз. Карточкани расмийлаштириш ва уни қўллашнинг энг осон йўллари таклиф этилади. Ўзбекистон бўйича савдо ва хизмат кўрсатиш нуқталарига ўрнатилган 13000 дан ортиқ терминаллар сизнинг хизматингизда.

Хизматлар лицензияланган
WWW.IPOTEKABANK.UZ


СИЗГА, менга тезлиги жуда юқори оқ-қора лазер принтери керак ҲАМҚОР

HP LaserJet 1320 оқ-қора принтери уйда фойдаланиш билан бирга, тадбиркорликда ҳам қўллашга жуда ярайд.

Бизнинг бизнес-ҳамкоримиздан бу принтер ҳақида сўранг.

HP LASERJET 1320

- Бир дақиқада 21 сатрда босиб чиқариш.
- Биринчи сатрда 8 секундга етмай чиқди.
- HP PCL 6, HP PCL 5e воситаси билан офисдаги барча энжонларни қўлайди.
- HP Postscript 2 даражасини амалга оширади.
- Ичкидаги лоток сизнинг стандарт ҳажмдаги 250 донга қоғоз, опционал ҳолатда 500 тагача.
- Хотира 16МБ, опционал ҳолатда 144 МБгача.
- Интерфейс боғланиш, параллел порт, опционал ташқи босиб сервери HP JetDirect.
- Икки томонлама автоматик босиб чиқариш.



Товар сертификатланган

ЎЗ НР ҲАМҚОРИНГИЗНИ ТАНЛАНГ



AGATA Impex
Қўнғирок қилинг: 133-05-00



2006
Preferred Partner



ЗУЛФИЯ,
Ўзбекистон халқ шоири

Умрида юз берди мўъжиза содир

Юртимизда шоира Зулфияхонимни танимаган, номини эшитмаган, тонгдай мусаффо шеърларидан баҳра олмаган инсонларни топши қийин бўлса керак. Сабаби — шоира ҳаминша халқ ичиди юрарди. Энг гўзал ва энг сара шеърлари ҳам халқнинг покиза тўйгуларидан андоза олган. Шунинг учун ҳам, мана, ўн йилдирки, биз уни соғиниб, йўқлаб, хотирлаб яшаймиз. Шоиранинг орузи — «Умрида юз берсин мўъжиза содир» деб битган мисраси ўз ижобатини топгани бугунги кунда ҳам акс-садо бериб турибди. Демак, устоз ҳаминша биз билан...



Мени дард енгдими ё битдими куч,
Вужуд сўксалгандай чок-чокдан гўё,
Тинглайман, ўқийман, лексин дил бўм-бўи,
Қуп-қундуз кўрганам ўнгимми, рўё?

Қайда партиярайдигайрат, шижоат,
Жўшқин ҳаётга жўр бир жуфт қанотим?
Ирода, кўзинг оч,
берма ижозат,
Ястаниб ўтмасин қолмиш ҳаётим...

Кўёшни,
яшашни,
зилзилани ҳам
Севиб, кўрқиб, енгиб яшагум келар,
Ахтар ердан, кўндан илҳамни илдам,
Балки мен кирмаган йўларда елар?

Инсон юрагини топшига қодир
Ақлим, кўзим толди бир саз шеърсиз...

...Умрида юз берсин мўъжиза содир,
Шеър бер,
куч бер менга,
қолмай шодликсиз...

Оқном эди, бир оғуш оқном,
Ҳам дилдираб, ҳам сирқираб дил.
Кўзлар лиқ муғ, шодлик тўла жом,
Ситқорини ҳам жомиз, тўқмоқ ҳам мушкул.

Ҳар юракда турфа ранг нидо,
Ҳар бир сўзинг ўз эзгу сирини...
Шунча кучли, мағрурлар ҳам гоҳ,
Бўлиб қолар онлар асирини...

Ситқорилмас жом кўп ҳаётда,
Энг эзгуси кўзларда яшар.
Тўқилсайди у ҳамма зотда,
Дув сўқалиб кетарди башар...

Спорт оламида

Дунга Бразилия терма жамоасини бошқаради

Бразилия футбол конфедерацияси (CBF) мамлакат терма жамоаси бош мураббийлигига Карлос Казтан Бледорн Веррини тайинлади.

Дунга номи билан ишқибозларга маълум бўлган собиқ футболчи эндиликда Карлос Альберто Паррейра ўрнига ўтиради. Бу мураббий Германияда ўтган жаҳон чемпионатида Бразилия терма жамоаси муваффақиятсиз қатнашган, истеъфога чиққанди.

Кўпчиликка яхши маълум, 1994 йилги жаҳон чемпионатида Дунга сардорлик қилган Бразилия терма жамоаси тўртинчи бор жаҳон чемпионлигини қўлга киритганди. Лекин қирқ икки ёшли со-



бик футболчи мураббийлик тажрибасига эга эмас. Шунга қарамай, у Бразилия терма жамоаси либосини кийган ҳар бир футболчини галаба сари руҳлантира олишига ваъда бермоқда.

Терма жамоа янги мураббий бошчилигидаги илк ўртоқлик учрашувни 16 август куни Ослода Норвегия терма жамоасига қарши ўтказди.

Россиялик боксчилар Европа мутлақ рекордини ўрнатди

Болгарияда яқунланган Европа чемпионатида россиялик «чарм қўлқоп» усталари тўққизта олтин, иккита кумуш медал билан биринчи ўринни қўлга киритдилар ва қитъа рекордини ўрнатдилар (Мусобақада боксчилар ўн бир вазн тоифасида рингга чиққанлар).

Шу кунгача ташкиллаштирилган Европа чемпионатларида ҳеч бир юрт вакиллари ҳали бунчалик юксак натижага эришмаган эди. Ҳалабанд руҳли раҳбар кетган Россия терма жамоаси бош мураббийси Алек-



сандр Лебзяк ИТАР-ТАСС мухбирига берган интервьюсида 2007 йилда бўладиган жаҳон чемпионатида ҳам шогирдлари муносиб иштирок этишига ишонини таъкидлади.

З. ЖОНИБЕКОВ
тайёрлади.

DELTA-BI EX
UZBEK EXHIBITION COMPANY

ЗАЩИТА И СПАСЕНИЕ

2006

МЕЖДУНАРОДНАЯ
ЦЕНТРАЛЬНОАЗИАТСКАЯ
ВЫСТАВКА

ОФИЦИАЛЬНАЯ ПОДДЕРЖКА
Государственное предприятие "UZMAKHSUSIMPEX"

26-28 сентября
2006 года

Тел. (99897) 330-48-00.
Факс (99871) 144-16-87.
E-mail: delta@uzpak.uz

МЕСТО ПРОВЕДЕНИЯ: ТПК "НАВРУЗ"

- технические средства обеспечения безопасности,
- антитеррористическое оборудование,
- средства защиты информации, • спасения при ЧС и пожарной охраны,
- обеспечения банковской и промышленной безопасности.

Бизнес-партнеры: info C M U Z
ООО "NOVITA-EDMG"

«ХАЛҚ СЎЗИ»га
ЭЪЛОНЛАР
ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона
E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

«МТС-SUPER» ТАРИФ РЕЖАСИ!

ЎЗБЕКИСТОН БЎЙИЧА АЛОҚА ТАРМОҚ ИЧИДАГИ КИРУВЧИ АЛОҚА ТАРМОҚ ИЧИДАГИ ЧИКУВЧИ АЛОҚА

\$0.04 **БЕПУЛ** **\$0.02**

МТС — Ўзбекистон абонентлари учун:

- Умумий 611 ёки 0890 рақамлари бўйича бепул маълумотлар хизмати Тошкент, Сирдарё, Жиззах вилоятларида ишламоқда.
- Тошкентда улашиш учун янги индекс 403 хх хх очилди.
- Тармоқ кенгайтириш давом этмоқда! Қўшимча 10 та янги база станциялари Тошкент шаҳрида, шунингдек, Фарғона, Андижон ва Самарқанд вилоятларида ишга туширилди.

Тўловлар сўмда УЭР МБнинг тўлов кундаги курси бўйича амалга оширилади. Нархларга барча солиқлар киритилган. Ўзбекистон Республикасида хизматлар «Уздунробита» компанияси томонидан тақдим этилади. Хизматлар лицензияланган.

БАТАФСИЛ МАЪЛУМОТ БИЛАН WWW.MTS.UZ САЙТИДА ТАНИШИШ МУМКИН.

ЎЗБЕКИСТОНДА ЯГОНА ТИББИЙ ДИАГНОСТИК ТЕКШИРУВИ

64-КЕСИМЛИ МУЛЬТИСПИРАЛ КОМПЬЮТЕР ТОМОГРАФИ

1-МАРКАЗИЙ КЛИНИК ШИФОХОНА КОМПЬЮТЕР ТОМОГРАФИЯ БЎЛИМИ

мультиспирал компьютер томография текширувларини таъкиф қилади:

- ички аъзо ва тизимлар текшируви;
- периферик томирлар текшируви;
- юрак ва юрак-қон томирлар текшируви;
- юрак ишемия касаллигининг келиб чиқиш хавфи даражасини аниқлаш;
- бош мия қон билан таъминлиниши (перфузия) текшируви;
- суякнинг минерал таркибини аниқлаш (остеопороз);
- йўғон ичак текшируви (виртуал колоноскопия).

* Контраст моддаси билан.

1- Марказий клиник шифохона, қабулхона телефони: 64-84-00. МКТ бўлими (6-бино) Телефон: 161-07-82.

MECHANISMAN **МЕХАНИЧЕСКИЕ И ЭЛЕКТРОИНСТРУМЕНТЫ**

В ШИРОКОМ АССОРТИМЕНТЕ ПРОИЗВОДСТВА ГЕРМАНИИ

под заказ **ДИЗЕЛЬГЕНЕРАТОРЫ** Тел. (998-90)186-26-40

Тел.: (998-71) 115-28-71; (998-90) 187-60-86. E-mail: asm-uz@yandex.ru

И славянские обои

Российский линолеум

производства **ОАО «ЩекиноАзот»** г. Тула

тел. **134-48-11,**
факс **134-49-58.**

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳужалик суди жамоаси Сирдарё вилояти ҳужалик судининг раиси **Ҳайдар ТЕМИРОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Давлат иқтисодиёт университети ректорати ва бирлашган қасаба уюшмаси кўмитаси Халқаро иқтисодий муносабатлар факультети декани муовини Баҳодир Мамаевга акаси **Маҳаматнозил МАМАЕВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Coscom» компанияси жамоаси бош мутахассис Шукуролло Далашевга волидан муҳтарамаси **Ақида ая ТОШПҲУЛАТ** ҳожи қизининг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Тошкент Кимё-технология институтини жамоаси Кимёвий технологик жараёнлар ва қурилмалар кафедраси доценти С.К.Нигматжоновга онаси **САЙЕРА** аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ОАЖ «Оқ Олтин рахта mahsulotlari bazasi» қўшма корхонаси жамоаси бошқарув раиси Ашраф Қодировга падари бузруквори **ҚОДИМ отанинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи **Ш. ЖАББОРОВ**

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 959, 20437 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхоналар билан алоқа ва мизтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар **Жамшед Тоғаев** ҳамда **Баҳодир Файзиев** томонидан саҳифаланди.

Тижорат материаллари

• **МАЊЗИЛИМИЗ:**
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Набатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Набатчи муҳаррир — А. Ҳайдаров.
Набатчи — Х. Каримов.
Мусяҳҳид — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ҲАЯ куни — 20.15
Тошпирилди — 21.00 23456

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси